

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғонада Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Республика Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ахборот соҳасини ислоҳ этишнинг долзарб вазифалари» мавзусида минтақавий илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, «Адолат» СДПнинг Тошкент вилояти ва Чирчиқ шаҳар кенгашлари ташаббуси билан тиббиёт коллежида «Репродуктив саломатликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш — соғлом жамият қафолати» мавзусида семинар ўтказилди.

● «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Қамолот» ЁИХ ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози — 2011» республика кўрик-танловининг Самарқанд вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг белгиланган ўн беш йўналиши бўйича саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган 600 нафарга яқин йигит-қиз республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга кириштириш мақсадида ўз маҳоратларини намояндалашди.

● Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Адлия, Иқтисодиёт вазирликлари, Марказий банки, Савдо-саноат палатаси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижроси доирасида семинар ўтказилди.

● Қизилтепада хотин-қизларни хунармандчилик ва қасаначиликка кенг жалб қилиш ҳамда «Устоз-шоғирд» аъналарини давом эттириш мақсадида «Аёл тадбиркор бўлса, оила фаровон бўлади» мавзусида анжуман ўтказилди.

● Бойсун туманида «Умид» кичик корхонаси фаолият бошлади. Банкнинг 300 миллион сўмлик кредити ҳисобига ташкил этилган ушбу корхонада хорижий илгор технологиялари ёрдамида ёстиқ жилдлари, чойшаблардан тортиб махсус кийим-кечаклар ҳам тайёрланмоқда. Эътиборлиси, ушбу лойиҳа туфайли 80 нафар хотин-қиз ишли бўлди.

ЖАҲОНДА

● Жорий йилнинг март ойида Японияда рўй берган кучли зилзила ва цунами курбонларининг сони сўнгги маълумотларга кўра 15462 нафарга етди.

● Кеча Греция пойтахти Афина шаҳри марказидаги парламент биноси атрофида ҳукуматнинг янги кескин иқтисодий чораларига қарши кўп миң кишилик норозилик намойиши уюштирилди.

● АҚШ собиқ диктатор М.Норвегнинг Франциядан Панамага кўчириш чора-тадбирларини маъқуллашнинг билдирди.

● Лондонда Олимпиада ўйинлари олдидан, яъни 2012 йилнинг апрелидан ўн та йўналиш бўйича ҳафтасига 70 та парвоз амалга ошириладиган олтинчи халқаро аэропорт иш бошлайди.

● Индонезия суди маҳаллий экстремистлар етакчиси, 72 ёшли Абу Бакар Баширни 15 йилга қамаш ҳақида ҳукм чиқарди. АФП агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Башир террорчи гуруҳларни молиявий қўллаб-қувватлаб турганликда айбланмоқда.

● Доминикан республикасида кўшни Гаити давлатидан тарқалган вабо касаллиги туфайли сўнгги икки ҳафтада бир ярим миң киши бетоб бўлган. Хасталик туфайли ҳаётдан кўз юмганлар сони эса 36 нафарга етган.

● Узоқ Шарқда ҳозирда уч миң гектар майдондаги ўрмонни кучли ёнғин қамраб олган.

● Испаниялик мутахассислар томонидан яратилган қуёш электростанцияси лойиҳаси ўта муқамаллиги билан тилга тушди. Нега деганда у булутли ҳаво ҳамда кечалари ҳам электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга. Лойиҳага кўра, умумий майдони 240 миң квадрат метрга тенг бўлган иншоот бир вақтнинг ўзига 25 миң хонадонни энергия билан таъминлаш қувватига эга. Бу ҳозиргача яратилган қуёш электростанцияларига қараганда икки баробар юқорида. Янги қуёш электростанцияси Абу-Даби шаҳрида қад ростлайди.

● АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида дорихонага қуролли ҳужум уюштирилиши натижасида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 119 (11.930)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Қадимий обидаларимиз, кўҳна иншоотларимиз миллатимиз фахрифтхори бўлибгина қолмай, аждоқларимизнинг истеъдоду иқтидоридан, билим ва маҳоратидан, азалий қадриятларимиздан бизга дарак бериб туради.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

АЖДОДЛАР МЕРОСИНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Шу боис ҳам уларни асраб-авайлашга, сақлаш ва таъмирлашга катта эътибор қаратилмоқда. Албатта, ана шундай муҳташам биноларни қайта реконструкция қилишда, авлодларга мерос янги обидаларни бунёд этишда сифатли ҳамда рақобатбардош, тарихий обидаларга мос, талаблар даражасидаги қурилиш, пардозлаш ашёларидан самарали фойдаланилади. Бу борада изланишлари боис самарага эришяётган, ана шундай бунёдкорлик ишларида маҳаллий мутахассислар, илгор технологиялар асосида тайёрлаётган маҳсулотлари билан фаоллик кўрсатаётган «Ижод-ижод» хусусий корхонасининг муносиб ҳиссасини алоҳида таъкидлаш лозим. Корхона цехларида ишлаб чиқарилаётган сопол ҳамда ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари тарихий обидаларни пардозлаш, кўрмага кўр қўшиш ишларида кенг қўлланилган. Албатта, буюртмачиларнинг талабидан келиб чи-

қиб, мутахассислар ўз маҳсулотларини амалиётда қўллашмоқда, қурилиш ва реконструкция ишларида маҳорат кўрсатишмоқда.

— Жамоамиз аҳли 45 нафар ишчи-хизматчидан иборат бўлиб, «Уста-шоғирд» мактабини ўтаган ёшлар кўпчиликини ташкил этади, — дейди ижрочи директор Бахтиёр Раҳмонов. — Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор туфайли фаолиятимизда муваффақиятларга эришяёмиз. Охириги уч йилда ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар оширишга муваффақ бўлдик. Қадимий обидаларни ўрганган ҳолда маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз турлари ошди, тарихни ўрганишга, ота-боболаримиз меросини авайлаб, ижодий ривожлантиришга эътибор қаратаётганимиз буюртмаларимиз кўпайишида муҳим омил бўляпти.

Жамоа тадбиркорлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан обидаларни тиклаш, тарихий мажмуаларни қайта реконструкция қилиш ва янги маданий-меморчилик ансамбллари бунёд этиш бўйича буюртмалар олади, ҳамда уларни тез ва соз удалашга эришмоқда. Фаолият кўрсатаётган учта цехда буюртмаларнинг сифатли бажарилиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд, имкониятлар ишга солинади.

Шу ўринда корхона мутахассисларининг мамлакатимиздаги жуда кўплаб ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Пойтахтимиздаги Тошкент Исломи университетининг «Қўқалдош» мадрасаси, «Хазрати Имом» мажмуаси, Самарқанддаги Мирзо Улуғбек обсерваторияси, Бухородаги «Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуаси, Қарши, Хива шаҳарларидаги тарихий объектлар ана шулар жумласига киради. Энг асосийи эса улар миллий қадриятларимизни тиклашга, аждоқларимиз қолдирган бебаҳо меросларни эъзозлаб, авлодларга ўлмас тарихий обидаларни қолдиришга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Бажарилаётган ишларнинг барчасида сифат, самарадорлик, кўркамлик ёрқин намён бўлмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
Ҳақимжон Солихов олган сурат

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарига ёшларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалиқдан шакллантириш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Юксак маънавият — энгилмас куч

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

бажарилмоқда. Айни пайтда санъат, маданият, маънавият ва маърифат масканларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, юқори маҳаллий мутахассислар билан таъминланмоқда, маънавий-маърифий ишларни давр руҳига ҳамоханг тарзда ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида халқимиз, энг аввало, навқирон авлод маънавиятига пугур етказувчи, миллий манфаатларимиз, маънавий-ахлоқий қарашларимизга мутлақо зид ва зарарли ғояларни синдиришга уринаётган дин ҳамда «оммавий маданият» ниқоби остидаги ёвуз ниятли кучлар ҳам йўқ эмас. Бу эса миллати, ёши, касб-коридан қатъи назар, барча фуқароларни янада

хушёр ва огоҳ бўлишга, ёшлар тарбияси учун масъулиятни астойдил ҳис этишга ундайди.

Конференцияда таъкидланганидек, ёш авлод маънавий дунёсининг дахлсизлигини асраш учун пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам олиб бориладиган маънавий-тарбиявий чора-тадбирларни кенг қўламада амалга ошириш, бундай масъулиятли ишга маънавият тарғиботчилари билан бирга, фуқаролик жамияти институтларининг барча бўғинлари — маҳаллалар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам кенг жалб этиш яхши самараларни бериши шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университетига Махсус таълим факультетининг 76 нафар битирувчи талабаларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ташаббуси билан Мирзо Улуғбек туманидаги 190-мактабда Фавқулодда вазиятларга тайёрлаш бўйича ёшлар ташаббускор гуруҳлари ўртасида ўқув машқлари ўтказилади.

✓ **«СОҒЛОМ** авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси шаҳар таянч маскани томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳримиз туманларидаги кам таъминланганлар, 1-2-гурӯх ногиронларига муруват юклари топширилди.

